




НУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2020-Й. 15-ОКТАБР, №41 (1236)

21 ОКТАБРЬ –
ЎЗБЕК ТИЛИ
БАЙРАМИ
КУНИ



ОНА ТИЛИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Тил – миллатнинг бебаҳо бойлиги, маънавий меросини сақлаш ва бойитишнинг энг кучли воситаси, давлат суверенитетининг муҳим белгиларидан бири. Ҳар бир тилнинг тараққиётида кўтарилиш, пасайиш босқичлари бўлади. Миллат тараққий этса, унинг тили ҳам ривожланади, она тилига эътибор кучаяди.

Истиклол арафасида тилимизга давлат тили мақомининг берилиши унинг тарихидаги энг катта ҳодиса бўлди. Бироқ жойларда «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижроси тўла таъминланмаётгани, хануз расмий доираларда давлат тилининг роли юқори эмаслиги ҳеч кимга сир эмас эди.

2019 йили ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлди. Шу муносабат билан она тилимиз тақдирига онд бир қатор мейрий-хуқуқий ҳужжатлар имзоланди.

Маълумки, тиллар қўлланиш доираси, нуфузи, хуқуқий мақомига кўра бир-бириндан фарқланади. Айни пайтда инглиз, француз, испан, араб, хитой ва рус тиллари халқаро тил сифатида тан олинган бўлиб, йирик халқаро ташкилотларда иш шу тиллардан бирида олиб борилади. Дунё бўйлаб кенг тарқалаётган ушбу тилларнинг мақоми, обрўси кўнгина миллий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг тараққиётига ҳам таъсир этаяпти. Дунё ягона ахборот мақомига айланиб бораётган шароитда тилларнинг нафақат халқаро мақомга эга бўлиши, балки яшаб қолишининг ўзи катта муаммо бўлиб қолди. Ўз ёзувига эгаллиги, сўзлашувчилар сони, расмий мақоми – давлат тили экани, мамлакатнинг қудрати, ахборот-коммуникация тилига айланиш даражаси, тил эгаларининг унинг келажаги учун қайғуриши ва бошқа муҳим омиллар тилнинг дунё тиллари орасидаги мавқеини, хавфсизлигини, истиқболлини белгилаб беради.

Давоми 6-бетда

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тараққиётимизнинг янги босқичида ҳудудлардаги долзарб муаммоларни халқ билан мулоқот асосида ҳал этиш барча даражадаги давлат органлари фаолиятининг асосий мезонига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси асосида жорий этилган бундай амалиёт қисқа муддатда ўзини тўла оқлади.

Шу боис прокуратура органларининг ҳам барча бўғинларида фуқаролар билан мулоқотга фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда.

Жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, хусусан, ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа тузилмалардаги муаммоларнинг ечимини топиш, пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев Хоразм вилоятига борди.



Рағбат ийтиёқни оширади

Дастлаб Бош прокурор мутасаддилар ҳамроҳлигида Урганч туманидаги 2-сектор ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Қоромон баракати» фермер хўжалигида бўлди.

Пахта теримида иштирок этаётган аҳолига яратилган шароитлар, уларни рағбатлантириш масалалари билан қизиқди. Теримчилар ва фермерлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш бўйича сектор раҳбари ва бошқа мутасаддиларга йўл-йўриқлар берди.

Шунингдек, Бош прокурор томонидан илгор теримчиларга телевизор,

гилам, электр печ каби 100 га яқин кимматбаҳо совғалар тарқатилди.

Таълимга эътибор – келажакка пойдевор

Ташрифнинг навбатдаги манзили Хива шаҳридаги «Болалар шахарчаси» бўлди. Бош прокурор тарбиячи ва болалар билан мулоқот асосида бу ердаги шароитни яхшилаш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича сектор раҳбарларига кўрсатма берди ҳамда болаларга ўқув қуроллари, киши кийим ва кимматбаҳо совғалар топширди.

Мавсум тадориги ўрганилди

Урганч шаҳрида вилоят ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказидаги беморлар ахволдан ҳам хабар олинди. Бош прокурор ушбу марказнинг куз-киш мавсумига тайёргарлиги билан танишиб, сектор раҳбарлари ва бошқа масъулларга камчиликларни зудлик билан бартараф этиш бўйича кўрсатма берди, тезда кўрсатилиши зарур бўлган ёрдам қўламини аниқлади. Жумладан, муассасани кондиционерлар билан таъминлаш чоралари белгилаб олинди.

Давоми 2-бетда



2020 йил 14 октябрь
соат 18:00 ҳолатига



Касалланганлар
61 950 нафар



Соғайганлар
58 951 нафар



Вафот этганлар
512 нафар

ТАЙИНЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 8 октябрдаги ПФ-6080-сон Фармони билан
Мавлонов Акмалхўжа Юсупович Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Акмалхўжа Юсупович Мавлонов



А.Мавлонов 1975 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 2002 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган.

У прокуратура органларидаги дастлабки фаолиятини 2002 йилда Давлат-обод тумани прокуратураси катта терговчиси лавозимидан иш ўрганувчиликдан бошлаб, сўнг Наманган шаҳар прокуратураси терговчиси, Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта терговчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори, катта прокурори вазифаларида ишлаган. Шунингдек, Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, Марғилон шаҳар прокурори, Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, Хоразм вилояти прокурори, Бош прокуратура хузуридаги департамент бошлиғи, Бош прокурор ўринбосари лавозимларида ишлаган.

2019 йилдан шу пайтгача Наманган вилояти прокурори лавозимида фаолият юритган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил
8 октябрдаги буйруғига асосан Хатамов Жаҳонгир Жураевич
Наманган вилояти прокурори лавозимига тайинланди.

Жаҳонгир Жураевич Хатамов



Ж.Хатамов 1980 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 2002 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган.

У прокуратура органларидаги иш фаолиятини 2002 йилда Бухоро вилояти Тўқимачилик тумани прокуратурасида иш ўрганувчиликдан бошлаб, сўнг Ф.Хўжаев тумани ҳамда Бухоро шаҳар прокуратураларида терговчи, Бухоро вилояти прокуратураси бўлим катта терговчиси, бўлим бошлиғи лавозимларида ишлаган. Шунингдек, Қоровулбозор тумани прокурори, Ғиждувон тумани прокурори, Жиззах вилояти ва Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган.

2018 йилдан шу пайтгача Хоразм вилояти прокурори лавозимида хизмат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг
2020 йил 10 октябрдаги буйруғига асосан Қудратходжаев
Ботир Бахромович Хоразм вилояти прокурори
лавозимига тайинланди.

Ботир Бахромович Қудратходжаев



Б.Қудратходжаев 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий, ҳуқуқшунос. 1997 йилда Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган.

У прокуратура органларидаги фаолиятини 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси кадрлар бўлими иш юритувчиси вазифасидан бошлаб, Ҳарбий прокуратуранинг махфий иш юритувчиси, Фарғона харбий прокуратураси терговчи-криминалисти, Тошкент харбий округ харбий прокуратураси катта терговчиси, бўлим харбий прокурори лавозимидан хизмат қилган. Сўнг Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, Фарғона харбий прокурорининг ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси, Шарқий харбий округ харбий прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари, Сурхондарё вилояти прокурори ҳамда Тошкент шаҳар прокурори вазифаларида ишлаган.

2017 йилдан шу пайтгача Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори лавозимида фаолият юритган.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ – МУАММОЛАР ЕЧИМИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Прокуратура тадбиркорга кўмакчи

Шундан кейин Бош прокурор Урганч туманидаги 2-сектор худудида жойлашган «Улли ҳовли» хусусий сайёҳлик корхонасига борди. Бу ерда сайёҳлар учун яратилган шароит билан танишди, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни кўпроқ жалб этиш масалалари юзасидан масъуллар билан фикр алмашди.

2020 йилнинг февраль ойида ишга туширилган ва ҳозир полиэтилен қувурлар ишлаб чиқараётган Урганч шаҳридаги «Ипак йўли групп» МЧЖнинг фаолияти билан танишар экан, Бош прокурор бу каби тадбиркорлик субъектлари фаолиятида секторларнинг кўмаги муҳимлигини таъкидлади. Хусусан, мазкур корхона ҳам банкдан имтиёзли кредит олиш, коммуникация тармоқларига ўз вақтида уланиш каби масалаларда секторлар билан ҳамкорлик қилгани мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, Бош прокурор Урганч туманидаги «Кўмиртаъминот» МЧЖга бориб, кўмир ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Секторлар раҳбарлари ва бошқа мутасаддиларга корхонани ривожлантириш баробарида аҳолига етказиладиган кўмирнинг сифатини назорат қилиш, нархи барқарорлигига эътибор қаратиш бўйича кўрсатма берди.

Долзарб масалалар муҳокамасига бағишланди

Хоразм вилояти ҳокимлигида Бош прокурор иштирокида ўтказилган йиғилишида эса фаолларга вилоятнинг янги прокурори Ботир Қудратхўжаев таништирилди. Худуддаги долзарб масалалар ечимида прокуратура органларининг тегишли тузилмалар билан ҳамкорлигининг истикболи белгилаб берилди.

Бош прокурор вилоят прокурори ҳамроҳлигида Урганч туманидаги 2-сектор штабига ҳам борди.

Н.Йўлдошев секторда қилинган ишлар билан танишар экан, унинг фаолиятини тубдан кучайтириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Айниқса, пандемия шароитида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, «Темир дафтар», «Ешлар

дафтари», «Аёллар дафтари»ни юритиш бўйича қўйилаётган талабларнинг моҳияти юзасидан масъулларга тушунтиришлар берилиб, прокурор секторларидаги ишлар бўйича вилоят ва туман, шаҳар прокурорлари зиммасига қатор вазифалар юклатилди.

Бозордаги лоқайдлик

Мазкур таширф доирасида 13 октябрь куни Урганч шаҳридаги марказий дехқон бозорида бўлган Бош прокурор бу ердаги аянчли санитария ҳолатига гувоҳ бўлди.

Иккинчидан, бозорда коронавирус инфекцияси муносабати билан жорий этилган карантин қоидаларига риоя этилмаётган. Ҳатто, бозорда сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам оддийгина яхтимоний масофа саклаш қоидасини писанд қилмайдилар. Тургун савдо расталарида сотувчи ва харидор ўртасида полиэтилен химоя тўсиғи ҳам ўрнатилмаган. Умуман олганда, бозор маъмурияти карантин қоидаларига риоя қилиш чораларини кўрмаган.

Иккинчидан, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган савдо расталари, бу маҳсулотларни саклаш камералари санитария-эпидемиология талабларига мутлақо жавоб бермайдилар. Бозорда сотувчи ва харидорларга гигиенанинг ҳатто бирламчи қоидаларига риоя этиш учун зарур шароитлар яратилмаган. Бу аҳвол йиллар давомида бозор маъмуриятининг эътиборидан четда қолиб келганини аниқлади.

Бош прокурор шу ернинг ўзида Урганч шаҳар ҳокими ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарларига бир ҳафта муддатда бозордаги вазиятни амалдаги қонун ва қоидаларга мослаштириш бўйича қатъий талаб қўйди.

Маълум маънода халқимизнинг турмуш тарзини ифода этадиган бозорларни ҳар томонлама намунали саклаш бўйича вазифаларга лоқайдлик билан муносабатда бўлаётган мутасаддиларга Тошкент шаҳридаги бозорларни ўрганиб, тажриба алмашиш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, бозордаги нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг асоссиз ошишига йўл қўймастик борасидаги вазифалар ва уларни рўёбга чиқаришга масъул бўлганларнинг жавобгарлиги яна бир бор эслатиб ўтилди.

TADBIR

АКАДЕМИЯДА ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг магистратурасига кириш имтиҳонлари якунланди. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 30 нафар тингловчи магистратурага қабул қилинди.

2020 йилнинг 9 октябр кунини янги ўқув йилининг очилиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда Академия раҳбарияти, ходимлари ва профессор-ўқитувчилари ҳамда магистратура тингловчилари иштирок этди.

Тадбирда Академия бошлиғи Евгений Коленко бўлажак магистрларни табриклаб, уларга ўқишда муваффақиятлар тилади ва тингловчиларга ҳар томонлама билим ва юқори малакага эга, халқаро стандартларга жавоб берадиган ва ўз касбига салдоқатли янги кадрлар бўлишларини таъкидлади. Шунингдек, у магистратурада ўқитишнинг асосий тамойиллари прокуратура органларининг амалий фаолияти билан узвий боғлиқлиги ҳақида



тўхталди.

Шу билан бирга тадбир давомида Академиянинг профессор-ўқитувчилари тингловчиларни амалиётда кенг қўлланиладиган назарий билимларни такомиллаштиришга,

илмий-тадқиқот фаолиятини олиб боришга, академик мобиллигини амалга оширишга қаратилган ўқитиш усуллари ва бошқа ўқимониятлар билан таништирилди.

Ўз муҳбиримиз

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АЛОҶА САМАРА БЕРДИ

Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳит яратиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида кўп иш қилинмоқда. Бухоро вилояти прокуратураси томонидан бу борадаги қонунчилик ижроси ўрганилди. Тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди. Уларнинг муаммолари ўрганилиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал қилиш аҳволи таҳлил қилинди.

Маълумотларга кўра вилоятда 2020 йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 13 трлн. сўмни ташкил этди. Унда кичик бизнеснинг улуши 73,4 фоиз бўлди.

Ўтган даврда вилоят прокуратураси органларига келиб тушган 11 мингдан ортиқ мурожаатнинг 400 дан ортиғи тадбиркорларга тегишли бўлиб, 75 таси қаноатлантирилган.

Бош вазирнинг ҳудудлардаги тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига 4746 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 98 фоизининг ижроси таъминланган.

Вилоятда 27549 та корхона рўйхатга олинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4342 тага кўпайди.

Вилоятда хорижий инвестиция иштирокидаги 286 та корхона фаолият кўрсатиб келмоқда. Йил бошидан бери 22 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилини-

шига эришилди.

2020 йилнинг ўтган даврида вилоятда 3516 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди ва уларда 6833 та иш ўрни яратилиб, бюджетга 3 млрд. 498 млн. 700 минг сўм солиқ ҳисобланди. Йил охирига қадар 3019 та тадбиркорлик субъектини ташкил қилиш борасида иш олиб борилмоқда.

Тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторларга прокуратура органлари томонидан кўрсатилган ёрдам натижасида 1008 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланиб, уларда 2016 та иш ўрни яратилди.

Инвестиция лойиҳаларининг ижроси алоҳида назоратга олиниб, 61 нафар тадбиркорнинг фаолиятида юзага келган муаммолар ҳал этилди. Пировардида 202 та лойиҳа ўз вақтида ишга туширилиши таъминланди.

Экспортчи корхоналар фаолиятида юзага келган 50 дан

ортиқ муаммо ижобий ҳал этилди.

Тадбиркорлар учун «Телеграм» тармоғида махсус канал ташкил қилинди. Ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари улар учун онлайн қабуллар ташкил этилиб, фаолиятида юзага келаётган муаммолар ҳал этилмоқда.

Мазкур соҳада ўтказилган назорат тадбирларида 179 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Вилоятдаги 15 та тижорат банкига фуқаролар ва юридик шахслардан кредит ажратиш масаласида 2199 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 1833 таси бўйича тушунтириш берилган, 65 таси рад қилинган, 233 таси қаноатлантирилиб, 10,4 млрд. сўм кредит ажратилган.

Аммо айрим фактлар бизни сергакликка қорлайди. Мурожаатларнинг 655 таси



Президент қабулхонасидан, 1170 таси Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасидан, 103 таси прокуратура органларидан, 181 таси Марказий банкдан келиб тушган бўлиб, ўрганишда банкларнинг ўзига кредит сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг атиги 29 таси мурожаатларни рўйхатга олиш дафтаридида рўйхатга олинган.

Бундан кўриш мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг кредит сўраб қилган мурожаатлари банклар томонидан тўлиқ рўйхатга олинмаган ва белгиланган тартибда кўриб чиқилмаган. Нагигада фуқаро-

лар кредит олишда ёрдам берилгани сўраб бошқа идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда.

Тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг мақбул йўли сифатида эътироф этилар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар кичик бизнес вақиллари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларга мададкор бўлиши фаолиятнинг муҳим мезони бўлиб қолади.

Ўқтам ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

TADBIR

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ ЭЪТИБОРДА

Маълумки, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Миллий қонунчилик базасининг асоси бўлган Конституция-мизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган бўлиб, аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги реал тенглигини таъминлаш ва уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари бир қатор конституциявий нормаларда ўз ифодасини топган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 46-моддасида, яъни «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар», деган қоида мустаҳкамланган.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини амалда таъминлаш борасида Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Куролли Кучлар қўшинлари кўмондонликлари билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда тарғибот тадбирлари ва сайёр қабуллар ўтказилиб, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг муаммоларини ўрганиш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Ўрганишларда ҳарбийларнинг турмуш ўртокларини ва бошқа оила аъзоларини бевоқиф тинглаш орқали уларнинг турмушдаги ва ижтимоий ҳаётдаги бошқа муаммолари аниқланиб, аксарият масалалар жалб этилган мутахассислар иштирокида ижобий ҳал этилмоқда.

Шундай тадбирлардан навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳарбий қисмлардан биринчи ҳарбийларнинг оила аъзолари ўртасида ташкил этилди. Унда фарзандларини мактабга ва боғчага жойлаштириш, кредит, банк, ишга жойлаштириш, яқна тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва бошқа масалалардаги мурожаатлар тингланиб, уларни жойининг ўзида ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Шухрат ХОДЖИЕВ,

Нукус ҳарбий прокуратурасининг ёрдамчиси

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

АҚЛГА СУЯНГАН БАЛОГА ЙЎЛИҚМАЙДИ

Ёз кунини. Тошкент-Қўқон йўналишида бораётган "Нексия" автомобилни Ангрен шаҳрига етмасдан бошқа ана шу рўсумдаги машина йўл ҳаракати қоидаларига зид равишда ўнгдан эмас, чап томондан қувиб ўта бошлади. Ҳайдовчи қондабузарга "эсинг жойидами" қабилда имо-ишора қилди. Ўз навбатида иккинчи ҳайдовчи "нега ўнг тарафини эгаллаб, йўл бермаяпсан", дея бақирди. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган ёши улуг йўловчи "кўзингизга қаранг, баҳслашманг", дея қувиб ўтаётган қондабузарга "узр, биздан ўтди," дея даҳанаки можарога нуқта қўймаганида қизишиб кетган ҳайдовчилар тўхтаб, бир-бирини ҳақорат қилиб, ёқалашини ҳеч гап эмасди.

Учкўприк туманининг Юлгузор кишлоғи ҳудудидан ўтган "Бувайда-Қўқон йўлида шунга ўхшаш воқеа юз берди. Ўтган ишга саловат, дея ўз йўлларидан қолмаганларида иш судгача етиб бормасди. Ўттиз уч яшар Ориф Қўлдошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кундузи тушга яқин отасининг номида бўлган "Дамас" машинасида қайноғасининг уйидан турмуш ўртоғи ва ёш боласини олиб уйига қайтиб бораётган эди. 10 метрча олдинда бораётган "Ласетти" автомобилнинг ҳайдовчиси тезликни бирданига камайтириб, ўнг тараф йўлга бурилмоқчи бўлди. Орифжон тормозни босиб, машинасини чапга олиб қочишга улгурди. "Ласетти"ни қувиб ўтаётган ҳайдовчиси куракда турмайдиган сўзлар билан сўқди. Нимага сўзинганини тушунмаган Қосимжон Холматов ортидан бораётган чирогини ўчириб ёндир-

ди. Машинадан тушиб олдинда тўхтаган "Дамас"га қараб юрди. "Нега сўқдинг", дея ҳайдовчига юзланди. "Нега кескин тормоз босдингиз, уриб юборишимга сал қолди". Ўзаро гап талашиб О.Қўлдошев жаҳд устида отасининг қариянинг бошига қалла кўйди, Қ.Холматов чўккалаб қолди. Унинг ёнида ўтирган, машинадан тушиб ҳай-ҳайлаб келган жабрланувчининг маҳалладоши Баҳром ака ҳам юзига мушт еб, йикилди. Йикилганида унинг оёғи тошга тегиб сўяги лат еди. О.Қўлдошев уларни ўз хонига ташлаб, "Дамас"да кетиб юборди. Шу яқиндаги автоустахона устаси Қосим акани енгил машинада касалхонага жўнатди. Баҳром ака уйига ўзи борди. Оёғи шишиб кетгач, шифохонага ётқизилди.


Суд мажлисида икки кишига қасддан енгил ва ўртача тан жароҳати етказган О.Қўлдошев айбига қисман иқдор бўлди.

— Жаҳл устида уриб юбордим. Уйларига бориб узр сўрадим. Даволаниш харажатларини тўладим. Қилмишимдан афсусдаман. Мени кечиринглар. Бу бошқа тақдорланмади.

Дарвоқе, Қ.Холматов ортидан бориб, сан-манга бормаганида, О.Қўлдошев йўлидан қолмасди. У судланувчи етказган зарарни қоплагани, ўзаро ярашиб олишгани, унга даъво-си йўқлигини таъкидлади. Б.Тоҳиёв ҳам касалхонада даволашни чикқани, етказилган зарар қопланишидан воз кечишини айтиб, судланувчига енгиллик беришни сўради. Суд муқаддам судланмагани, қилмишидан чинакамига пушаймонлигини эътиборга олган ҳолда О.Қўлдошевга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
Учкўприк тумани прокурори

БМТ Бош ассамблеясида Ўзбекистон БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига кўпчилик овоз билан тарихда биринчи марта уч йиллик муддатга сайланди.



FAOLIYAT

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга ҳамда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бош прокуратура томонидан судларнинг қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилишини таъминлаш юзасидан жорий йилнинг 9 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Қуйида шулар хусусида сўз юритамиз.

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛАЁТГАН ЖИҲАТЛАР

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлаш бўйича изчил иш олиб борилмоқда.

Хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш соҳасида 2020 йилнинг 9 ойида муайян ишлар қилинди. Жумладан, биринчи инстанция судларида 127790 та фуқаролик иши кўрилган. Уларнинг 97939 таси бўйича даъво қаноатлантирилган, 15919 таси бўйича рад этилган, 8889 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Прокурор протестига асосан апелляция тартибида 186 та, кассация тартибида 413 та, назорат тартибида 28 та, жами 627 та суд қарори қонунга мувофиқлаштирилди. Ўтган даврда апелляция инстанциясида прокурор иштирокида 66 та суд қарори ўзгартирилган ёки бекор қилинган бўлса, шундан 58 таси прокурор протести ҳиссасига тўғри келган. Кассация инстанциясида эса прокурор иштирокида 90 та суд қарори ўзгартирилган ёки бекор қилинган (шундан 84 таси прокурор протести асосида). Назорат инстанциясида 245 та суд қарори ўзгартирилган ёхуд бекор

қилинган шундан 28 таси прокурор протести бўйича амалга оширилган.

Бошқарма томонидан Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатида 431 та ишнинг кўрилишида прокурор иштироки таъминланиб, судга асослантирилган фикрлар берилган.

Ушбу даврда судларда прокурорларнинг 15 млрд. 159 млн. 358 минг сўмлик 1 959 та аризаси кўрилган бўлиб, шундан 14 млрд. 748 млн. 661 минг сўмлик 1917 таси қаноатлантирилган ва 3 млрд. 832 млн. 331 минг сўми ундирилган.

Судларда кўрилган прокурор аризаларининг 447 таси фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида, 88 таси ретресс тартибида киритилган.

Суд буйруғи тартибидаги 2496 та прокурор аризасининг 2409 таси қаноатлантирилиб, 3 млрд. 913 млн. 736 минг сўм ундирилган.

Ушбу даврда асосий эътибор муурожаатларга асосан ноқонуний суд қарорларини қонунга

мувофиқлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилди. Масалан, «Ҳазорасп улгуржи савдо комплекси» дирекцияси ва фуқаро Б.Кўзиев ўртасида 2014 йил 26 мартда савдо дўкони қурилиши учун тўлов юзасидан шартнома тузилган бўлиб, шартнома муддати 24 ой бўлган. Лекин Б.Кўзиев шартномани тўлиқ бажармасдан, келишилган 43 млн. 182 минг 383 сўмнинг 22 млн. 500 минг сўмини тўлаган. Пул тўлик тўланмагани боис дирекция ушбу дўкон қурилиши учун фуқаро М.Матму-

2019 йил 2 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг даъво ни қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ўзгартириш қолдирилган.

Б.Кўзиев мажбуриятини 24 ойлик муддатда бажармаган бўлса-да, судлар томонидан муддати ўтган шартнома муҳокама қилиниб, М.Матмуратованинг ҳуқуқлари бузилган. Бундан ташқари, Б.Кўзиев 2018 йил 18 июлда дирекция раҳбарига ёзган аризасида ташкилотга тўлаган 22 млн. 500 минг сўм пулини М.Курбоновага берилган дўкон учун ўтказиб бериш-

моқда. «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ участка бошлиғи К.Комилов 2017 йил 4 майда иш берувчининг ташаббусига кўра ишдан бўшатилган бўлса-да, унга қўшимча ишлаган вақти учун 11 млн. 478 минг сўм иш ҳақи берилмаган. Мазкур низо ўтган 3 йил давомида судларнинг барча инстанцияларида кўрилиб, К.Комиловнинг даъвоси рад этиб келинган.

Бош прокуратуранинг 2020 йил 10 февралдаги назорат тартибидаги протестига асосан Олий суд раёсатининг 2020 йил 7 майдаги қарори билан Олий суд судлов хайъатининг ажрими бекор қилиниб, К.Комиловга 11 млн. 478 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, асосий мақсадимиз фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, судларда фуқаролик ишларининг қонуний рағбатли амал қилган ҳолда, сифатли ва ўз вақтида кўрилишига эришишдир. Бу фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг муҳим шартни ҳисобланади.

Шухратжон МУСТАФАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Судларда прокурорларнинг 15 млрд. сўмликдан ортиқ 2 мингга яқин аризаси кўрилган.

ратова билан шартнома тузган, унинг тўлаган пулига дўкон қурилиб, у ерда М.Матмуратова оиласи билан «Китоблар олами» дўконини ишлатиб келган.

Бундан норози бўлган Б.Кўзиев дирекция ва М.Матмуратова ўртасидаги шартномани ҳақиқий эмас деб топиши ва уни дўкон биносидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраб, судга даъво аризаси билан муурожаат қилган. Фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти суди апелляция инстанциясининг

ни сўраган.

Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъатининг 2020 йил 25 июлдаги ажрими билан Б.Кўзиевнинг даъвоси рад этилиб, М.Матмуратованинг бузилган ҳуқуқи тикланган.

Кейинги пайтларда фуқаролик ишлари бўйича судларда меҳнат низоларига оид ишлар ҳам бирмунча кўпайди. Фуқаролар ўз ҳуқуқларини англаб, иш берувчининг ноқонуний талаби устидан судларга арз қилиш-

МУКАММАЛ МУҲОКАМА ЭЪТИРОЗГА ЎРИН ҚОЛДИРМАЙДИ

Мамлакатимизда иқтисодий низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларидан фойдаланиш, ишларни кўришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилингани ўз самарасини бермоқда. Прокуратура органларининг иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятида иқтисодий низоларнинг қонуний ва адолатли ҳал этилиши алоҳида назоратга олинган.

Бу борада суд амалиёти ўрганилганда хўжалик юритувчи субъектларнинг 914,5 млн. сўм қарзи, шу жумладан 238,1 млн. сўм ижара тўловини ундириш ҳақидаги талаби асоссиз рад этилгани, шунингдек, тадбиркорлик субъектларидан 1 млрд. 954

млн. сўм пул ноқонуний ундирилгани ва республика бюджетига 61,1 млн. сўм давлат божи ундирилмагани ҳамда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилгани аниқланди. Судларнинг 65 та ноқонуний қарорига нисбатан протест келтирилди.

Шунингдек, иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид қўлланма тайёрланди.

Аниқланишича, иқтисодий судларнинг биринчи инстанцияси томонидан 2020 йилнинг 9 ойида 70914 та иш кўрилган. Улардан 10574 тасида прокурор қатнашган. Ишларнинг 10259 таси прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлар ҳисобланади.

Хусусан, банкрот деб топил тўғрисида 6705 та, прокурорнинг аризаси бўйича қўзғатилган 2772 та, суд прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган 353 та, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳақидаги қонун бузилиши билан боғлиқ 303 та, давлат

мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ 62 та, ундириш сўзсиз тартибда амалга оширилмаган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топил тўғрисида 47 та, мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисида 6 та, давлат ва жамоат эҳтиёжи учун ернинг олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисида 12 та, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисида 3 та иш кўрилган.

Прокурорлар томонидан судларга жами 288,7 млрд. сўмлик 2772 та даъво аризаси киритилган. Уларнинг 238,8 млрд. сўмлик 2590 таси қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясида 1276 та иш кўрилиб, шундан суднинг 317 та қарори ўзгартирилган ёки бекор қилинган, уларнинг 91 таси апелляция протести ҳисобига тўғри келган. Прокурор иштироки мажбурий бўлган 18 та суд қарори бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

СУДДАГИ КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг маъмурий суд ишларини юритишда прокурор ваколатини таъминлаш йўналишидаги фаолиятига назар соладиган бўлса, судларда кўрилган 10857 та ишда прокурор иштироки таъминланиб, уларнинг протести асосида суднинг 509 та ноқонуний қарори қонунга мувофиқлаштирилган.

Жорий йилнинг 9 ойида маъмурий судларда кўрилган 235742 та ишнинг 10366 таси оммавий ҳуқуқий низоларга оид, 225376 таси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлардир.

Бошқарма ходимлари Олий судда назорат тартибда кўрилган 446 та ишда қатнашиб, қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилиш юзасидан асосланган фикрлар беришган. Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги 11 та иш шахснинг ҳаракатида ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлиги боис МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан тугатилган.

Бош прокуратуранинг протестларига асосан қонунга зид бўлган 31 та суд қарори Олий суд томонидан қонунга мувофиқлаштирилган.

Мурожаатлар билан ишлашда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг 162 таси бошқарма томонидан ҳал этилиб, шундан 24 таси қаноатлантирилган.

Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 16 апрелдаги «Building and Supplies» МЧЖга ер участкасини ажратиб бериш ҳақида»ги 608-қарори билан Яқкасарой тумани Юнус Ражабий маҳалласининг 72, 66/4, 66/2 ва 66/1-уйлари оралиғида кўп қаватли уй қуриш учун 0,5 га ер ажратиб берилган.

Фуқаро О.Пяновская ва бошқалар ҳокимнинг мазкур қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақида судга ариза билан муро-

жаат қилган. Чилонзор тумани маъмурий судининг 2019 йил 11 декабрдаги ҳал қилув қарори билан О.Пяновская, О.Белкина, М.Собироваларнинг Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топши ҳақидаги шикоятини қаноатлантириш рад этилган. Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 27 январдаги қарори билан Чилонзор тумани маъмурий судининг юқоридagi ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Бош прокуратуранинг назорат тартибдаги протести асосида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 21 майдаги қарори билан куйи суд қарорлари бекор қилиниб, ариза қаноатлантирилди.

Бундан ташқари, бошқарма томонидан маъмурий судлар-

да 2019 йил ва 2020 йилнинг январь-март ойларида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топши, шунингдек, ҳокимлик мансабдорларининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топши ҳақидаги ишларнинг кўрилиши ўрганилиб, умумлаштирилди. Ўрганиш давомида биринчи инстанция судларининг қонунга зид бўлган 32 та ҳал қилув қарорига куйи прокуратура органлари томонидан протест келтирилди.

Шунингдек, маҳкама томонидан апелляция ва кассация инстанцияси судларининг қонунга зид 7 та қарорига нисбатан Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига, 1 та иш юзасидан Олий суд раёсатига назорат тартибда протест келтирилди.

МЖТКнинг 271-моддаси 1-қисми 1 ва 7-бандларига асосан маъмурий ишларнинг тугатилиши ҳамда МЖТКнинг 278-моддаси тартибда ҳуқуқбузарликда жиноят аломати мавжудлиги асоси билан прокурорга ҳужжатларнинг қайтарилишида процесуал нормаларга риоя этилгани ўрганилди. Натيجида йўл қўйилмаётган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Маъмурий судларда оммавий ҳуқуқий муносабатлардан

кодекста ўзгариши ва қўшимчалар киритиш юзасидан 2 та таклиф ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти администрациясининг топшириғига асосан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия ва Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳалари манфаатдор ва зирлик ва идораларнинг таклиф ва эътирозларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда келишиш учун юборилган.

500 дан ортиқ қарор қонунга мувофиқлаштирилган.

келиб чиқадиган ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки самардорлиги, суд қарорларини ўз вақтида ўрганиш ва уларга муносабат билдириш амалиёти, шунингдек, бу борадаги мурожаатларнинг ҳал этилиши ўрганилди. Ўрганиш давомида биринчи инстанция судларининг қонунга зид 42 та қарорига протест келтирилди.


Шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги

Администрациянинг ушбу топширигини бажариш мақсадида Бош прокурорнинг фармоиши қабул қилиниб, Бош прокуратура ходимларидан иборат гуруҳлар тузилди. Уларнинг фаолиятида маъмурий ҳуқуқбузарлик билан ишловчи ва зирлик ва ташкилотларнинг мутахассислари ўз таклифлари билан иштирок этди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг махсус қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти Жиноят кодекси лойиҳасида белгиланаётгани сабабли улар ўзaro мувофиқлаштирилди. Кўзда тутилмаётган қондалар статистик ва хорижий давлатларнинг амалиётдан келиб чиқиб асосланганлиги Шунингдек, лойиҳадаги янги ҳуқуқбузарликларнинг таалуқлилиги масаласи манфаатдор ва зирлик ва идораларнинг мутахассислари билан муҳокама қилинди.

Кодекс лойиҳаси тайёр бўлгач, ва зирлик ва идоралар билан келишиш учун штаб ишчи органига ўтказилди.

Ҳайрулла БҮРИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари



Кассация инстанциясида жами 1205 та иш кўрилиб, шундан 434 та суд қарори ўзгаририлган ёки бекор қилинган бўлиб, уларнинг 161 таси кассация протести ҳисобига тўғри келган. Прокурор иштироки мажбурий бўлган 20 та суд қарори бекор қилинган ёки ўзгаририлган. Уларнинг 19 таси кассация протести ҳисобига тўғри келиб, республика бўйича кассация протести келтириш самардорлиги 95 фоиз бўлган.

Бу даврда прокурорлар суд қарорларига 90 та апелляция протести келтириб, барчаси қаноатлантирилган. Шунингдек, жами 167 та кассация протести келтирилиб, 162 таси қаноатлантирилган, 4 таси рад этилган, 1 таси қайтарилган.

Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 391 та иш қўрилган, ушбу ишлар бўйича суд қарорларининг 251 таси бекор қилинган ёки ўзгари-

рилган. Мазкур ишларнинг 31 таси Бош прокуратуранинг назорат тартибдаги протестлари ҳисобига тўғри келди.

Олий суднинг раёсатига назорат тартибда 15 та, шундан Бош прокуратура томонидан 9 та, Олий суд томонидан 6 та протест келтирилиб, барчаси қаноатлантирилган.

Кассация протести келтириш самардорлиги 95 фоизга тенг бўлган.

Вилоят прокуратураларидан назорат тартибда протест келтириш ҳақида 18 та тақдимнома келган, 11 таси қаноатлантирилган.

Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ҳам бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, юридик шахслар ва уларнинг вакиллари ҳамда тадбиркорлардан 609 та мурожаат келиб тушган бўлиб,

187 таси ҳал этилган. Шундан 11 таси қаноатлантирилган, 9 таси рад этилган, 167 таси бўйича тушунтириш берилган.

Мурожаатларнинг 316 таси ҳал этиш учун куйи прокуратураларга, 9 таси бошқа идораларга юборилган, 40 таси тегишлилиги бўйича бошқа бошқарма ва бўлимларга ўтказилган.

Бошқарма ходимлари томонидан 60 нафар фуқаро қабул қилиниб, қонун талаби асосида уларга тушунтириш берилган. Ҳал этилган 82 та мурожаат юзасидан қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги ўрганилиб, муаллифларга асосланган жавоб хатлари юборилган.

Қонунчилик тарғиботи ва фаолиятга ошқоралик бериш йўналишида 41 та

тарғибот тадбири ўтказилган, шундан 7 таси оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлардир.

Олий суд пленумининг қарори лойиҳаларига суд амалиётидаги муаммолардан келиб чиқиб, 35 та таклиф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижроси бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа тегишли ва зирлик ва идораларнинг таклиф ва мулоҳазаларини олиш учун юборилган.

Бойматжон РАСУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиги

2020 йилнинг 15 октябрдан академик лицейларда анъанавий дарслар бошланади.

ОНА ТИЛИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР


Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хўш, она тилимизнинг дунё тиллари сафида тура олиши, тараққиёти, истиқболини нималар белгилайди, унга таъсир этувчи қандай омиллар бор? Бу борадаги жиддий муаммоларимизнинг илдизи қаерда?

1. Ўзбек тили давлатнинг расмий тили сифатида тан олинди ва бу қонун билан қафолатландими, демек, қонун ижроси таъминлангани керак. Одатда, қонун қабул қилинган сана арафасида мутахассис сифатида турли тadbирлар, кўрсатувларга таклиф қилинар эдик. Ҳар сафар тadbир сўнггида «Давлат тили ҳақида»ги қонун ижроси қачон таъминланади?», «Она тилимизни ривожлантириш, мавқеини кўтариш учун нималар қилишимиз керак?» деган саволлар қўйилар ва биз йиллар давомида умумий гаплар билан чекланишдан нарига ўта олмадик. Чунки қонун ижросини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий қафолатларимиз йўқ эди ва бу муаммо хануз очиними топмаган.

Фаолиятим билан боғлиқ айрим мисолларни келтираман. Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокимининг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рноя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маънаҳатчиси ҳамда вилоят телевидениеси билан ҳамкорликда Қарши шаҳрининг марказий кўчаларида жойлашган объектларга қўйилган номлар, реклама ва эълонларни ўргандик. Ҳусусий корхоналарнинг масъулларига нега шундай ном танлагани ёки пештоқдаги ёзувларнинг ҳатолари билан боғлиқ савол берганимизда, афсуски, аксарияти фаолиятига аралашаётганимиз учун устимиздан шикоят қилиши, корхонага ном қўйиш хоҳиши экани, ижтимоий тармоқларда шу белги билан танилгани, корхона номини ўзгариши харажат билан боғлиқлиги ва бошқа вазжлар билан эътироз билдиришди. Хуллас, маънавият, маърифат, миллий гуруҳ ҳақидаги ташвиқотларимиз ҳаммага ҳам бирдай таъсир қилмаслиги яна бир бор амин бўлдик.

Яна бир мисол. Бир муддат олдин кафедрамизга лойиҳалаш бўйича корхона оцаётган тadbиркор ном қўйиб бериш масаласида мурожаат қилди. Мутахассислар таклиф қилган ўзбекча ёки умумтуркий номлар тadbиркорни контиктирмади, ният жарангдор бўлган хорижий номлардан бирини танлашга ёрдам олиш экан.



Аслида бундай вазиятда корхона эгасига бирор чора кўриш ёки муаммога ечим топиш учун қўлимизда ҳеч қандай асос йўқ эди. «Давлат тили ҳақида»ги қонунда уни бузганлик учун жазо чоралари кўрсатилмаган. Ҳар қандай қонун унинг талаблари бузилганда қўлланадиган жазо чоралари бўлгандагина ишлайди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг «Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган 42-моддаси (Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элларнинг тилларини менсимаслик) ҳам, афсуски, бундай ҳолатда бизга қарши ишласа ишлайдики, фойдамизга эмас.

2. Асосий максали ўқувчиларнинг ижодий, мантқий фикрлаш, тафаккур маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда тўғри ифодалаш қўникмасини шакллантириш бўлган мактаб она тили таълими бўйича вазифасини тўла бажариши керак. Бу ҳақда матбуотда анча йиллардан буён чиқиш қилиб келаямиз. Бу борада сўнгги йилларда Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташаббуси билан айрим қадамлар ташланди. Бирок муаммолар ҳали батамом бартараф этилгани йўқ.

3. Ҳаёт суръати тезлашган бугунги ахборот асрида шевааларнинг фонетик, морфологик тараққиёти адабий тил меъёрлари ва жонли нутқ ўртасида сезиларли тафовутлар юзага келишига сабаб бўлди. Бу айни пайтда ёзма ва оғзаки саводхонликка путур етказётган омиллардан бири бўлиб, ўзбек орфографиясининг тамойилларига асосланган мукамал имло қоидаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда ягона имло лўғатини нашр этиш, умуман, имло ислохотини ўтказиш заруратини кучайтирмоқда. Қолаверса, бир пайтда икки – лотин ва кирилл ёзувининг амалда бўлиши ҳам имлоий саводхонликка путур етказмоқда. Чунки уларнинг имло қоидаларида тафовутлар мавжуд. Айни пайтда ҳатто ягона дастуриламал бўла оладиган имло лўғатига ҳам эга эмасиз. Биздан кўпинча «амалдаги имло лўғатларидан қайси бири тўғри?» деб сўрашадди. Имло лўғатининг тўғри-нотўғриси бўладими? Миллий ёзувнинг ҳуқуқий асоси бўлган лўғат ҳақида шундай тасаввур бор экан, ёзма саводхонлик

ҳақида гапириш мумкинми? Умуман, ёзув масаласида бир қарорга келиш керак.

4. Айни пайтда сўз ўзлаштириш жараёни нихоятда тезлашган. Аслида тиллар бир-биридан озикланади. Тилнинг бойиш манбаларидан асосийси ҳам сўз ўзлаштириш. Агар изоҳли лўғатни олиб, сўзларнинг этимологиясига эътибор қилсангиз, ҳар уч сўздан бири – ўзлашма. XV асрга қадар тилимиз арабий, форсий ўзлашмалар ҳисобидан кескин бойган бўлса, ҳозир уларнинг ўзлашганини билмаймиз ҳам. XX аср бошларидан русча ўзлашмалар катта тезликда кириб кела бошлади. Сўнгги йилларда инглиз, немис тилларидан қўлаб сўзлар ўзлаштириляпти. Аммо бу борада ҳам чегара бўлиши, қонунқоидаларга амал қилиниши керак. Сўз кўпроқ иктисодий, ижтимоий-сиёсий йўл билан ўзлашади. Уларни моҳиятан қуйидаги гуруҳларга ажратиб мумкин: 1) муқобили йўқ – феисбук, коронавирус, ковид-19, компьютер, интернет, сайт, ипотека, мессенжер, клавиатура ва ҳоказо; 2) муқобилини топса бўлади – сити – шаҳар(ча), степлер – тезтиккич, мишка – сичқонча, сканер – нусхалаш; 3) энг муаммолиси – ўзбек тилига ўзлашган, лекин ҳали ўзбек ёзувига ўзлаштирилмаган, имлоси белгиланмаган – Zoom, moodle, usell, e-mail, YouTube, Chrom, Wi-Fi, Bluetooth, Screenshots, URL, SMS, MMS...

Бу эса олдимизга турли йўллар орқали ўзлашаётган тег, флешмоб, турникет, петиция, коммент каби ўзбекча муқобилини ишлатиш мумкин бўлган ўзлашмаларнинг мос вариантларини таклиф этиш, қундалик мулоқотда кўп ишлатилаётган ўзлашма сўзларни лўғатларга қамраб олиш, ўзбекча талаффуздан келиб чиқиб имлосини белгилаш, маъносини изоҳлаш каби кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.

5. Қолаверса, ахборот технологияларининг тараққиёти ҳам қайсидир маънода ҳуснихат, ёзма саводхонликка путур етказаяпти, техник ҳатоларнинг кўпайишига олиб келаяпти. Компьютер лингвистикаси бўйича изланаётган мутахассислар олдида матндаги орфографик, пунктуацион, услубий ҳатоларни топиб, автоматик таҳрир қиладиган, маънодошларини илова қиладиган дастурларни яратиш, лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувидаги икки амал билан бажариладиган ҳарфларни ёзишдаги ноқулайликларни бартараф этиш вазифасини қўймоқда.

Хуллас, миллий бойлиқлар ичида энг ноҳиди, энг бебаҳоси бўлган тилимизни ўзимиздан кейинги авлодга бойитиб, жилосини йўқотмай етказиб бериш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир.

Баҳорат БАҲРИДДИНОВА,
Қарши давлат университети «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси мудири,
халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши депутати



ПЕШЛАВҲАЛАР НЕГА ЎЗБЕКЧА ЭМАС?!

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”.

Абдулла Авлонийнинг ушбу сўзларини ўқимаган, тафаккур қилмаган зиёли киши бўлмас керак.

Дарҳақиқат, тил алоқа-аралашувнинг энг муҳим ва бетимсол воситаси сифатида инсонлар ҳаётида бекиёс даражада улкан аҳамиятга эга. Ҳаётимизда хушмуомала, ширинсўз одамлар билан биргалликда сўзлашиш маданиятидан йироқ кимсалар ҳам учраб туради. Улар ўринсиз гап-сўзлари билан суҳбатдошнинг дилига озор етказди.

Шу ўринда халқимиз томонидан айтилган “Тиг яраси битади, аммо тил яраси битмайди”, мақолани эслашимиз нихоятда ўринали.

Жамикчи эзгу фазилатлар инсон қалбини, аввало, она алдаси, она тилининг бетақдор жонбаси билан сингди. Она тили – эзгу фазилатлар, юсак туйғулар манбаи. У инсон қамолотида бетақдор ўрин тутди. “Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бирок одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... Ўлим олдинда онасини она тилида йўқлайди...”, деб ёзган эди ёзувчи Ўткир Ҳошимов ўзининг “Дафтар хошиясидаги биттиқлар” асаридан.


Шу ўринда она тилига хурматсизларча, беписандларча муносабатда бўлаётган айрим ёшлар ҳақида мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Ўз она тилига хурматсизлик – кечириб бўлмас хато. Она тилидаги сўзларни бузиб талаффуз қилиш, гапларига ажнабий сўзларни қўшиб сўзлаш асло маданият белгиси эмас.

Яна бир ҳолат кўнгилни хира қилади. Юртимизнинг турли ҳудудлари, шаҳримиз кўчаларидаги дўконлар, хизмат кўрсатиш объектларининг номи, яъни уларнинг пешлавлари аксарияти чет тилида ёзилган. Тахминимизча, жуда кам одам бу ажнабий атамаларнинг маъносини билади, холос. Ўзбек тилида чуқур ва гўзал маъно-мазмунга эга сўзлар кўп-ку?! Нега ошхонамиз, дўконимиз, хизмат кўрсатиш шохобчамизни ўзбекча номламаймиз?! Ўзбек тилидаги атамалар ҳам хорижий тилдан паст оҳангда жарангламайди. Навоий бобомиз: “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз”, деб бежизга айтмаган. Ўзбек романчилигининг асосчиси бўлмиш Абдулла Қодирий мақолаларидан бирида: “Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар”, деган фикрни айтади. Мана, тилга бўлган чин муҳаббат! Ана шу муҳаббат орқали ўзбек адабиётида, ўзбек тилида илк роман вужудга келган.

Майли, биз асар ёзмайлик, бироқ ўз тилимизда тўғри сўзлашайлик. Уни онамиз сингари хурмат қилайлик. Жалолдин Румий айтганидек, “Сўз инсоннинг қиймати қадар қадрийдир”.

Аҳмаджон АЛАХОДЖАЕВ,
Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгаши депутати

Юзига муздек нимадир текканидан кўзини очган Шароф қаердалигини англолмай атрофга ҳайрон қаради. Сарғиш қоғоз ёпиштирилган катта хона, лекин ташқари кўринмайди. Деворлар ғалати ёзувлар ва аллақандай шакллар билан тўлиб-тошган. Саккизта кароватнинг бештаси бўш, усти бетартиб. Бир кароватда озгин, сариқ киши қўлига қоғоз ва қалам тутганча ғамгин ўтирибди. Шарофнинг рўпарасида эса соч-соқоли ўсган, кўринишидан ёшини аниқлаб бўлмайдиган кимса аллақандай майда темирларни тепага отиб ўйнар, гоҳида қўлидагиларни атрофга иргитиб ҳам қўярди. Унинг бежо қилигидан ниманидир англаган Шароф жойидан сапчиб турди. «Жинни, жинни» деганча бошини деворга ураверди, ураверди... Дўхтирлар етиб келиб, ҳамшира тинчлантирувчи укол қилгач, йигитнинг кўзлари аста-секин юмилди.



ЎХШАМАГАН ТАҚДИР

Чекка туманининг тоғли кишлоғида яшовчилар кўшни кишлоқ одамларига «Яқинда бизланам дўхтир чиқади, бу ёқларга овора бўлиб келмаймиз» деб мактаниб қўйишарди. Уларнинг орзуси рўёбга чиқиб, дўхтирлик дипломини олган Шароф кишлоққа қайтди. Ҳеч қанча вақт ўтмай қизларнинг сараси бўлган Гулсумга уйланди. Кишлоқда шифокор бўлиб ишлаш бошлади. У беморларидан ҳеч нарса талаб қилмас, кучи етганча ёрдам берар эди. Бадавлат оилада тарбияланган келинга эса бу ёқмасди. Кўшни аёллар ёқни танишларининг тилла тақинчоқ ё қимматбахо либос олганини эшитса, ўша буюмдан олмагунча онлада тинчлик бўлмасди. «Ундан нимам қана? Нега менга олиб бермайсиз? Сизга теккунча қаро ерга тегсам бўлмасми? Эрга тегиб нима кўрдим? Отамникига кетаман!» деган бўлар-бўлмас гаплар билан Шарофни жонидан тўйдирарди. Олдий оилада улғайган, топш-тутиши ҳам ўргача, камтар йигит бундай жанжаллардан кейин бир неча кун ўзига келмай, эзгин кайфиятда юрарди. Сабр қосаси тўлиб бораётган бўлса-да, «Аёл киши-ку, бирор кун ақли кириб, инсофга келиб қолар» деган умид уни тутиб турарди.

Бирок...

Дарахтдан сўнгги япроқ узилгандай бир воқеа ҳаммасини ўзгартириб юборди.

Беш ёшли Зебо дугоналари билан ўйнаётганида боши билан тош қиррасига йиқилиб тушди. Тезда етиб келган Шароф барча чораларни қўлласа-да, кизчанинг ҳаётини сақлаб қололмади. Хонада ўтиришга бардоши етмади.

«Амаки, амакижон» дея унга пешвоз чиқадиган кизалоқ кўз ўнгидан ўтарди. Одатда ёш болалар дўхтирни кўрса йиғлаб қочади. Зебо эса уни кўрса «Дўхтир амаки, дўхтир амаки» дея югуриб келарди. Шароф ҳам унга алоҳида меҳр кўрсатиб, қўлига ширинлиги тутказар эди. Қизалоқ конфетни қўриб суюнар, ўртоқларига ҳам кўз-кўз қилиб, мактанарди.

Бир аҳволда уйга етиб келса, Гулсум кош-қовоқ қилиб ўтирибди. У эрининг

кайфиятига парво ҳам қилмай, сўраган чойини хонтахта устига дўқиллатиб кўйди-да, лабини бурганича ўтириб олди. Жимгина чой ичаётган эрига бир-икки қаради, ундан садо чиқармагач, ўзи гап бошлади:

– Намунча беғамсиз? Ҳолинг нима деб сўрамайсиз?

Шароф беҳолгина бошини кўтарди. Хотинининг ғавго бошламоқчи бўлаётганини сезиб, асаблари баттар таранглашди. Эрининг индамаётганига чидолмаган Гулсум захрини сочди.

– Ҳа, одам кўрмаганмисиз?

– Кўрганман, фақат сендақасини эмас.

– Кўрмай юраверинг. Бошқалар одам туғул бошка нарсаларни ҳам кўришяпти. Синфдошим Феруза бор-ку, ўшанинг эри «Нексия» олибди. Бизда эшак-араваям...

Хотинининг дийдиёси тугамаслигини, жанжал бўлишини хис қилган Шароф уни тўхтатмоқчи бўлди.

– Қўй шу гапларни. Ҳозир кўнглимга қил ҳам сизгамайди. Эшитган бўлсанг керак, боя Салом муаллимнинг кизи вафот этди. Уни сақлаб қололмадим. Шундоққина кўлимда жон берди.

– Ўйла ўлар, менга нима? Шу ўтар дунёда яйраб яшайлик дейман-да. Ферузанинг эри...

– Гулсум, бўлди, бас қил!

– Намунча бақирасиз, сизнинг болангиз эмас-ку!

– Ўша кизалоқ боламдай азиз эди.

– Нима? Мен тирноққа зор бўлиб уйда ўтирибману, сиз кўчадан бола ортириб юрбисизми?

Хотинининг захар тилидан азият чеккан Шароф ортиқ чидаб туролмай олдидаги чойнакни Гулсумга қараб отди. Чойнак чил-чил синди. Гулсумнинг юзи куйди, баъзи жойларига чинни синиклари санчилди. Эртасига кишлоқнинг бойваччаси Қосим «Қизимни хўрлайдиган сенми, хали шошмай тур» дея таниш-билишлари ёрдамида куёвини жиннихонага жойлаштирди. Олти ой деганда уйга қайтган Шароф ҳовлидан сарғайиб қайтиб чиқди. Чунки хотини ҳовлини сотиб, аллақачон шаҳарга турмуша чиқиб кетган эди. Бор-будидан

айрилган йигит шу кунгича собиқ кайно-тасининг ҳовлиси томон юрди. Кўчада ўйнаётган кизчалардан суриштирса, оила катталари байрам сайлида экан.

«Оббо, энди нима қилдим? Ўша ёққа бориб кўрай-чи!». Сайилгоҳга келган Шароф одам кўплигини кўриб мақсадли амалга оширишга чўчиди. Кейин жаҳл билан дала оралаб кетаётганида ўн олти яшар қайниси Воҳидни кўриб, кўзлари чакнаб кетди. Йигитча ўртоғи билан пичан ғарамлаётган эди. Шароф уларнинг ёнига борди. Аламзада поччасининг қўлидаги пичокни кўрган Воҳид нима бўлаётганини англаб етмасдан, шундоқ арик ёқасига юзтубан йиқилди. Воҳиднинг дўсти жон ҳолатда тесқари томонга қараб қочди. Аммо у ҳам кетма-кет урилган пичок зарбидан мажолсиз йиқилди-ю, тинчиб қолди. Шароф шошганича яна тоққа чиқиб кетди.

Арик ёқалаб келаётган отлик дала четида ётган одамни кўриб овоз берди. Гавда кимир этмади. «Ҳой, биродар» деганча яқин келиб қараса, Камол карнайчининг ўгли қонга беланиб ётибди. Бирпасда одамлар етиб келди. Ҳамма ёқда тўс-тўполон, қий-чув бошланди. Милиция Воҳиднинг жасадини ҳам топди. Ёрдамчи кучлар қакирилиб, суриштирув бошланди. Одамлар ваҳимага тушиб қолган, чунки бу кичкинагина кишлоқда шу пайтгача қотиллик туғул ўғирлик ҳам содир бўлмаганди. Маълумотлар ва айрим фактларга кўра милиция Шарофни қидира бошлади. У ҳеч қаерда йўқ эди.

Бир кунги почтачи хат ва газеталарни олиб келиш учун туман марказига кетаётганда овлоқ йўл четидаги ташландик чордеворлар орасидаги шарпани сезиб қолди. Шеригини мотоцикл ёнида қолдириб, вайрона томон йўналди. Ўзи томон келаётган почтачини кўрган Шароф унга ташланди. Олишувда енгилётган йигит рақибини ёнидаги ханжар билан яралади. Почтачининг ҳамроҳи етиб келгани сабабли Шароф бир амаллаб қочиб кетди. Воқеа жойига милиция етиб келди. Енгил яраланган почтачини шифохонага олиб кетишди. Шарофнинг

қотиллигига энди шубҳа йўқ эди. Кишлоқ атрофи қуршаб олинди. Бир неча ой ўтгач, кишлоқда «Шароф Ширибулоқ атрофида юрган эмиш» деган хабар тарқалди. Тезкор гуруҳ тоғдаги булоқ бошига сахарда етиб борганида йигит ширин уйкуда ётарди. Ёнида эгарланган, устига хуржун ёпилган от турибди. Милиция ходимлари уни дарров қўлга олишди. Ёнидаги нарсаларни ҳам ашёвий далил сифатида олиб кетишди.

Тергов бошланди. Сўроқ давомида йигит қилган жиноятини тан олди. «Гулсумга уйланганимдан сўнг оиламизда тинчлик бўлмади. У ҳамма нарсадан, ҳатто бир вақтлар курседош қизлар билан тушган расмларимдан ҳам жанжал учун фойдаланарди. Раҳматли онам «Қўй, бола, тенг-тенги билан» деганида қўлоқ солмагандим. Мен унинг сузук кўзларига қараб мени севишига ишонибман. Кейин билсам, кишлоқнинг келишган ва бообў йигитига турмушга чиқаман деб мени танлаган экан. Бориб-бориб унинг тантқиқлиги ва инжиклиги, захар тили асабларимни ишдан чиқарди. Навбатдаги жанжалга тоқат қиллолмай чойнакни отиб юбордим. Шунинг оқибатида қайнотам танишлари ёрдамида мени жиннихонага жойлаштириб қўйди. Қайтиб келсам Гулсум отамдан қолган уй-жойини сотиб, эрга тегиб кетибди. Издан чиққан ҳаётим учун ҳаммасидан ўч олмоқчи эдим. Афсус, улгурмадим...», – деди бошини сараклатиб.

Жиннихонада даволангани, асабидаги ўзгаришларни ҳисобга олиб суд ўн йилга ҳукм чиқарди. Шароф жазони жиннихонада ўтказиши керак эди.

Анча вақтгача бу воқеалар кишлоқ аҳли орасида гап-сўз бўлди. Кимлардир Қосимбойни, яна бировлар Гулсумни, баъзилар «Шундай расво хотинга чидаб юргунча, шартта ажрашиб қутулмайди-ми? Боласиям йўқ эди» деб Шарофнинг ўзини айблади. Бу гаплар босилмасдан Шароф жиннихонада ўзини осиб қўйибди, деган хабар келиб, ҳамманинг дами ичига тушди.

Нигина ШОЕВА,
журналист

Фарғоналик пахтакорлар мамлакатимизда биринчи бўлиб жорий йилги пахта топшириш шартномавий режани бажарди.



FAOLIYATIDAN

ЗУЛМАТГА АЙЛАНГАН ХАЁЛ

Ҳар қандай давлат коррупцияга қарши кескин курашмас экан, истиқболи сўроқ остида қолади. Шунга мувофиқ, ўз тараққиёт йўлини қатъий белгилаб олган мамлакатимиз ҳам ушбу йўналишда устувор вазифаларни амалга оширмакда. Хусусан, юртимизда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши муросасиз кураш кечмоқда. Бироқ, шунга қарамай, ҳамон жамиятда ноқонуний "олди-берди"лар учраб турибди.

2019 йил 20 март Анвар Тўқсонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) учун қувончли ва омадли кун бўлди. Айни шу кун у Окқўрғон тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Омадли дейишимиз боиси, ҳар ким ҳам ўттиз олти ёшида ҳоким ўринбосари лавозимига тайинланмагандай-да. Шу кун А.Тўқсоновнинг зиммасига ўзига яраша масъулият ва мажбурият ҳам юкланди. Буни уйдлаш эса ўринбосарнинг иш тажрибаси, билим ва кўникмалари, ташаббускорлигига боғлиқ. У бир йил давомида зиммасидаги вазифаларни рисоладагидек олиб борди, десак ҳам бўлади. Аммо нафисга эрк бериб, боши эгилди.

А.Тўқсонов ҳоким ўринбосари бўлиш билан бирга, туманда ер участкаларини қишлоқ хўжалиги махсулотлари учун танлаш ва ажратиш бўйича доимий ишловчи комиссия раиси ҳам эди. У айни шу жиловни қаттиқ ушлади. Чунки шу масалада кўплаб мурожаатлар бўлаётган, керак бўлса, ишни битириш эвазига пул ҳам таклиф қилинаётган эди. Бундай таклифларни эса асосан комиссия аъзоларидан бири, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Илҳом Қобилов топиб келарди. Айни шу таклифлар ҳоким ўринбосарининг нафсини бузди.

Туман ҳокимининг 2019 йилдаги тегишли қарорига асосан ҳудуддаги Сегизбаев қишлоғида жойлашган 18 гектар ер майдони «Sevinch Garden» фермер хўжалигига боғдорчилик йўналиши учун узоқ муддатга ижарага берилган эди. 2020 йил

март ойи бошларида туман ҳокимлиги ходимлари томонидан ўтказилган текширишда мазкур ер майдони қаровсиз ҳолатда эканлиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, А.Тўқсонов комиссия раиси сифатида «Sevinch Garden» фермер хўжалиги раҳбари Мирза Акбаровга фермер хўжалигининг ер майдони туман захирасига ўтказилиши ҳамда туман ҳокимининг боғдорчилик йўналиши учун узоқ муддатга ерни ижарага бериш ҳақидаги қарорини бекор қилиш мақсадида туман ҳокимига далолатнома киритишини маълум қилади. Фермерлик ортидан ризқ топиб, оила тебратиб келаётган М.Акабаров ерларидан ажралиб қолмаслик учун комиссия хузурига бош эгиб боришга мажбур бўлади. У ерда фермерни комиссия аъзоси, яъни туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи И.Қобилов кутиб олади. Ўлимдан бошка нарсанинг иложи борлигига М.Акабаровни ишонтирган И.Қобилов ҳоким ўринбосари билан гаплашиб, масалани ҳал қилиб беришга ваъда беради. Албатта бу қуруқ раҳматга эмасди.

Хуллас, И.Қобилов ҳоким ўринбосарининг мақсадини фермерга етказди. Унга кўра, М.Акабаров 1500 АҚШ доллари беради, ер майдони фермер хўжалигининг ихтиёрида қоладиган бўлади. Шу тариқа икковлон М.Акабаровни пора беришга мажбур этадиган шароитга туширади.

Фермер дастлаб И.Қобиловга 200 АҚШ доллари келтириб беради. Икковлон бу пуллари 100 доллардан ўзаро бўлишиб олишади. Орадан бир неча кун ўтгач эса И.Қобилов ҳоким ўринбосари қолган пулни тезкор

олиб келиб беришини сўраётганини, агар бермаса, далолатнома расмийлаштирилишини фермерга айтади. Комиссия аъзоларининг талаби жиноят эканлигини англаган М.Акабаров бу ҳақда тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорликда тадбир уюштиради. Мазкур тадбирда И.Қобилов туман қишлоқ хўжалиги бўлими биноси олдидан М.Акабаровдан 1300 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтида ашъвий далиллар билан қўлга олинади.

Қўлларига темир халқа солинган И.Қобилов айбига иқдор бўлади ва М.Акабаровдан олган 1300 АҚШ долларини тўлиғича туман ҳокими ўринбосари А.Тўқсоновга олиб бориб беришини айтади. Унинг розилиги асосида давом эттирилган тезкор тадбир давомида А.Тўқсонов туман қишлоқ хўжалиги бўлими биносидаги ўзига вақтинчалик ажратилган хизмат хонасида И.Қобиловдан 1300 АҚШ долларини олган вақтида ушлади.

Ҳоким ўринбосари инкор этиб бўлмас далиллар билан қўлга тушди. Унинг ширин хаёллари бир зумда хаёлда эмас, ўз ҳаётида зулматга айланди.

Суднинг ҳукмига асосан Окқўрғон тумани ҳокими ўринбосари А.Тўқсонов беш йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилинди. Унга воситачилик қилган И.Қобилов эса беш йил умрини сим тўрлар ортида ўтказадиган бўлди.

Шерзод ЮНУСОВ,
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

ҲАР САВДОДА ЭПЧИЛ «САВДОГАР»

Савдо тизимида ишлайдиганлар гапга чечанроқ бўлишади. Чунки улар шу тариқа мижозни ўзига жалб эта олади. Шаҳобиддин Муродов бозорда танишиб қолган, ҳамсуҳбат бўлган кишиларга доллар савдоси билан шуғулланишини гап орасида шипшитиб ўтишга одатлангани боис Г.Саидова билан танишганида ҳам доллар керак бўлса мурожаат қилиши мумкинлигини айтган эди.

Орадан бир ҳафталарча вақт ўтгач, Г.Саидова 3800 АҚШ доллари сотиб олишини айтиб кўнғироқ қилди.
— Бўпти. 9600 сўмдан 36 миллион 480 минг сўм бўлади.
— Хўп, мен пулни тахлаб қўйганман. Доллар бор десангиз учрашамиз

Келишувга биноан 2020 йил 10 февраль куни соат 18:00да автотурагоҳда валюта айирбошлаш "операция"си жараёнида қонунбузар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан ашъвий далил билан қўлга олинди.

Жиноят кўчасига кириб қолган Ш.Муродов 3-4 йил илгари Тошкент бозорларининг бирида танишиб қолган Жамшид Якуббеков жорий йил 15 февраль куни Марказий дехқон бозори ҳудудидаги 83-сонли дўконига келиб ўзи истеъмол қилиши учун "наша" сўраганида унга рад жавоб бера олмади. У Жамшид Якуббековга гугурт қутиларига солинган 5,69 грамм миқдордаги "марихуана" гиёҳандлик воситасини сотаётган вақтда ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Кўриниб турибдики, хатолар жиноятни стақлаб келаверади. Қилмишлари учун Ш.Муродов ҳамда Ж.Якуббековлар ҳам қонун олдидан жавоб бериши. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли бандлари билан айбли деб топилиб, Ш.Муродов 4 йил-у 6 ой, Ж.Якуббеков эса 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазосига тортидидилар.

Салим ҚОДИРОВ,
департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими инспектори

ПАНД БЕРГАН ХАРИДОР


Муслимбек Абдувоҳидов асли хўжаободлик бўлиб, қирқни қораласа-да, бир ерда ишлашдан кўра, "қора бозор"ни "обод" қилишни афзал билди.

Хўжаобод туманидаги марказий бозор теграсида уни таниш-билишлар кўп учратадиган бўлишиди. Қўлида ихчам латта сумка. Унинг навбатдаги савдоси эса, бароридан келмади — қонунга хилоф фаолиятга қонун йўли билан чек қўйилишига асос бўлди.

Одатдагидек, бозорга келганида, унинг ёнига бир киши келиб, ўзидаги хориж валютасини айирбошлаш ниятидалигини билдирди. Албатта, Муслимбекка ҳам шу керак. У қонун ва виждон амрига зид ҳолда валютанинг асл қимматини орттириб кўрсатди. Ҳар бир АҚШ доллари 10 250 сўмдан баҳоланди. Харидордаги 5000 АҚШ доллари зум ўтмай, 51 млн. 250 минг сўм пулга айирбош қилинди. Аммо унинг бу савдоси бароридан келмади. У иссиқ изида — жиноят устида қўлга олинди. Айбдор қонун йўли билан тегишли жазосини олди.

Мамлакатимизда валютанинг қонундан ташқари айланмасига барҳам бериш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Албатта, бу борада Муслимбекка ўхшаганлар қадамларини ўйлаб босишса, фойдадан холи бўлмайди.

Шерзодбек ИСМОИЛОВ,
департаментнинг Жалақудуқ тумани бўлими бошлиғи



«15 СУТКА» КОР ҚИЛМАБДИ, ШЕКИЛЛИ...

Фуқаро Б.Н. муқаддам Қамаш тумани маъмурий судининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 170-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган эди. Бироқ у бундан ўзига хулоса чиқариб олмаган кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Қамаш тумани бўлими ходимлари томонидан фуқаро Э.М.нинг аризасига асосан "Қамаш Фай" дехқон бозори МЧЖ ҳудудида тезкор тадбир ўтказилди.

Унда Б.Н. Э.М.дан 100 АҚШ долларини 1 миллион сўмга сотиб олган вақтида ушланди. Ундан жами бўлиб 20 АҚШ доллари ва 3 миллион 750 минг сўм нақд пул ашъвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан департаментнинг Қамаш тумани бўлими томонидан фуқаро Б.Н.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилади. Суд ажрими билан долларфуруш айблилиқ масаласи ҳал қилинмасдан жавобгарликдан озод қилинди. Бироқ олинган валюта қимматликлари давлат даромади фойдасига ўтказилди.

Акмал АБДИЕВ,
департаментнинг Қамаш тумани бўлими бошлиғи



FAOLIYATIDAN

ҚИДИРУВДАГИ ШАХС ҚУРУҚ ҚАЙТМАДИ...

Мажбурий ижро бюросининг Кува тумани бўлими иш юритувида 2017 йил 20 декабрдаги ижро варақасига асосан даъвогар Б.Тошпулатов фойдасига қарздор Ш.Сиддиқовдан 61 млн. 547,2 минг сўм қарз ундириш бўйича ижро ҳужжати мавжуд эди.

лари билан яшаш, унинг ўзи эса Россия давлатига ишлаш мақсадида кетгани, қачон қайтиб келиши номаълум эканлиги аниқланган.

Шунга кўра, ижро ҳужжати бўйича қарздор Ш.Сиддиқовнинг хорижга чиқиш ҳуқуқлари чекланган ва унга нисбатан қарздор Кува тумани Толмозор қишлоғида яшаш аниқланиб, унинг яшаш манзили кўздан кечирилди.

Аммо, қарздор Ш.Сиддиқов паспортида белгиланган манзилда унинг укаси оила аъзо-

лари билан яшаш, унинг ўзи эса Россия давлатига ишлаш мақсадида кетгани, қачон қайтиб келиши номаълум эканлиги аниқланган. Шунга кўра, ижро ҳужжати бўйича қарздор Ш.Сиддиқовнинг хорижга чиқиш ҳуқуқлари чекланган ва унга нисбатан қарздор Кува тумани Толмозор қишлоғида яшаш аниқланиб, унинг яшаш манзили кўздан кечирилди.

Садик ЖАНДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма катта инспектори

ҚАРЗДОРЛИК УНДИРИЛМОҚДА

Мажбурий ижро бюросининг Чортоқ тумани бўлими томонидан биргина август ойининг ўзида олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида 236 млн. сўм солиқ қарздорлиги ундирилди.

Масалан, бўлим иш юритувида қарздор "Агросервис" МЧЖдан ундирувчи туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига 122 млн. сўм солиқ қарзи ундириш тўғрисидаги ижро варақаси мавжуд. Ижро ҳаракатларидан сўнг солиқ қарздорлиги ундириб берилди.

Ёки "Чортоқ Машинасозлик" МЧЖ солиқ қарздорлигини тўламагани учун мажбурий тар-

тибда ундириш юзасидан қарор қабул қилинган. Бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай қарздорлик бартараф этилмади. Давлат ижрочиси томонидан туман давлат солиқ инспекцияси фойдасига қарздорга тегишли бўлган бино-иншоотлар қарздорлик эвазига хатланди.

Бюронинг туман бўлими томонидан солиқ қарздорлигини ундириш чоралари кўриб борилмоқда.

Даврон ИКРАМОВ,
МИБ Чортоқ тумани бўлими бошлиғи

АЛИМЕНТ «КЎКИ»ДА ТЎЛАНДИ

Вояга етмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Мажбурий ижро бюросининг Фарғона вилояти бошқармаси давлат ижрочилари томонидан салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг 2019 йил 1 июлдаги ижро ҳужжатига асосан қарздор Р.Ўдан ундирувчи Р.Д. фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун даромадининг 1/3 қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Ушбу ижро ҳужжати Бюронинг Бағдод тумани бўлими иш юритувига келиб тушган бўлиб, давлат ижрочиси томонидан ижро иши юритуви кўзатишган.

Қарздор дастлаб алимент пулларини ўз вақтида мунтазам тўлаб келиб ўзини интизомли шахс сифатида намоян эта олган. Лекин, пандемия сабабли жорий йил февраль ойдан бошлаб сентябрь ойига қадар алиментни умуман тўламастан келган. Давлат ижрочисининг огоҳлантирилиши ҳам инobatта олманган.

Шу сабабли, Р.Ўнинг Ўзбекистон ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқлари чеклаб қўйилгач, хорижда савдо

ишлари билан шуғулланувчи қарздор ота ундирувчи Р.Д.га икки нафар фарзанди учун нафақат жорий йил қарзлари, балки улар вояга етгунга қадар бўлган 42 млн. 230 минг сўм қарздорликни тўлаб беришга мажбур бўлган.

Алимент пуллари ундирувчи Р.Д.га тилхат асосида топширилган ва ижро ҳужжати амалда тўлиқ ижро қилинганлиги муносабати билан ижро иши юритуви тамомланган.

Дониёр СИДИҚОВ,
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси шўъба катта инспектори

Фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг 2014 йил 15 декабрдаги ижро ҳужжати асосан қарздор М.Қораевдан ундирувчи С.Қораева фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ой топган даромадининг 1/3 қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Мажбурий ижро бюросининг Булоқбоши тумани бўлими томонидан ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш мақсадида қарздор М.Қораевнинг Ўзбекистон ҳудудидан четга чиқиш ҳуқуқлари тегишли қонун талабларига кўра чеклаб қўйилган.

Шу сабабли, хорижга чиқиш истагида юрган қарздор ота ундирувчи С.Қораева фойдасига икки нафар фарзанди таъминоти учун жорий йил қарз-

лари билан бирга улар вояга етгунга қадар ҳисобланган алимент пулларини 8 000 АҚШ доллари кўринишида тўлаб берди.

Ижро ҳужжати амалда тўлиқ ижро қилинганлиги муносабати билан ижро иши тамомланди.

Шерзод МАМУТАЛИЕВ,
МИБ Булоқбоши тумани бўлими бошлиғи ўринбосари

ХОДИМЛАР ИШГА ТИКЛАНДИ

"Ишдан бўшатилдингиз" ёки "Штатлар қисқаруви бўйича топшириқ келган"ни эшитган ҳар қандай киши юрагига хавотир тушади. Бинобарин, иш билан банд бўлиш ҳам ҳаёт тарзимизнинг бир бўлаги.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади.

Шунингдек, Меҳнат кодекси талабига кўра меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилганлик ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик учун ходим ишга тикланганда иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Худди шу мазмундаги учта ижро ҳужжатлари — фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2020 йил 10 июлдаги Шарипова Юлдузин Когон тумани тиббиёт бирлашмаси

бош ҳисобчиси ва 2020 йил 21 августдаги Панова Людмилани Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси врач кожвенеролог, Абзалова Иринани Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси лавозимига ишга тиклаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари Бюронинг Когон шаҳар бўлими иш юритувига келиб тушган.

Нихоят, адолат тантана қилиб, давлат ижрочиси томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари давомида фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг ҳал қилув қарори асосида иш берувчиларнинг тегишли буйруқлари бекор қилиниб, ходимлар ишга тикланиши таъминланди.

Инсон қайси касб эгаси бўлмасин касб-корини кадрлайди. Чунки, унинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш, жамиятда фойдали меҳнат билан шуғулланиш имкони қонун билан қафолатланган.

Жафар САМАДОВ,
МИБ Когон шаҳар бўлими давлат ижрочиси



Бизда ишдан бўшатишнинг оддий усули оммалашган, яъники «аризангни ёз!». Осони шу-да: «ўз хоҳишига кўра» ишдан кетган одамнинг қайта ишга тикланиши амри маҳол.

Ўз хоҳишига кўра ариза ёзмайдиган, ҳуқуқини биландиган ходимлар билан айрим иш берувчилар, уни минг ёмон кўрмасин, ишлашга мажбур.

Негаки, ходимни асоссиз ишдан бўшатиб бўлмайди. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи эса бош қомусимиздан ташқари, Меҳнат кодекси ва бошқа қатор қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқаро А.Муродов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) «И.Х.» давлат унитар корхонасига нисбатан судда даъво кўзгади. Даъвода иш берувчи уни қонуний равишда ишдан бўшатгани айтилиб, лавозимига тиклаш ва мажбурий бекор юрган қонунлар учун пул ундириш кўрсатилган эди.

Суд мажмур ҳолатда А.Муродовнинг ҳуқуқи бузилганлигини аниқлаб, 2020 йил 19 августда

унинг фойдасига ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган қонунлар учун 4 млн. 461 минг сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатини қабул қилди.

Ўз навбатида бу ҳужжат Бюронинг Навоий шаҳар бўлими иш юритувига 27 августда келиб тушди ва давлат ижрочиси зудлик билан ижро ҳаракатларини бошлаб юборди.

Ижро ҳаракатларини олиб боришда иш берувчи билан кўпгина тортишувлар ҳам бўлди. Аммо суд қарори муҳокама қилинмайди, балки ижроси сўзсиз ижро этилади.

Кўрилган чоралар натижасида А.Муродов «И.Х.» давлат унитар корхонасига ўзининг эски лавозимига ишга тикланди ва мажбурий бекор юрган қонунлар учун 4 млн. 461 минг сўм ундириб берилди.

Хулосамиз қисқа ва лўнда: ўз ҳуқуқингизни билинг! Зеро, жамият шундай инсонлар билан тарақкий топади.

Раҳимжон МАҲАММАДОВ,
МИБ Навоий шаҳар бўлими давлат ижрочиси

Жорий йилнинг 13 октябрдан Тошкент-Хўжайли йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилди.



ЖИЛОВЛАНМАГАН ҒАЗАБ

...Ўша кун Сардор (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оғайниси Султон билан Гулноза опанинг туғилган кунига борди. Опа билан бир неча кун аввал қурилиш ташкилотидagi вақтинчалик иш пайти танишишган эди. Уддабурон аёл бир неча хотин-қизга бош бўлиб, гуруҳ тузиб олган, уларни мавсумий иш билан таъминлаб турарди.

Йигитлар билан тезда иноклашиб кетган Гулноза опа уларни ўзининг ва кизининг туғилган кун муносабати билан уюштирилаётган зиёфатга таклиф этди.

Йигитлар қўлларида торг билан опанинг хонадонига кириб боришди. Гулноза опа гуруҳидagi аёллар, болалари, овсини, кайнонаси ва бошқа яқинлари билан уларни кутиб олиб, тўрга ўтказди. Зиёфат қизиди. Туғилган кун соҳиблари шарафига қадаҳлар кўтарилди.

Гулноза опа чой олиб кираётганида кўшниси Шавкат улар ўтирган хонанинг деразасидан қараб турганини кўриб қолди. Жаҳли чиқиб, уни жеркиди:

– Нимага қарайсан деразамдан? Сени ким чакирди ўзи? Нимага ховлимга бос-тириб кирасан?

Йигит гулранганча чиқиб кетди.

Кейин яна пайдо бўлиб, синглисини чакириб олиб чиқди. Кетаётиб «узиб олиш»ни унутмади:

– Бу ерга бегоналар ҳам доридиган бўлиб қолибди-да...

Бироздан кейин Шавкатнинг онаси Моҳигул опа келиб, тўполон кўтарди:

– Нимага Шавкатга гапирдинг? Уйингга бегона эркаклар келганида Шавкат кирса нима қилади?

Моҳигул опа чиқиб кетгач, Шавкат яна икки-уч йигит билан деразадан олақараш қилиб кетди. Гулноза опа кўчага чиқиб, уларга қараб бақирди:

– Нима энди сенлардан сўраб мехмон чакираманми уйимга? Менинг мехмонларим билан жанжал қилмоқчимсанлар?

Кўчада йигитларнинг сони яна кўпая бошлади. Сардор безовталаниб, оғайниси Султонга шипшиди:

– Кетамиз, ошна, буларнинг авзойи ёмон. Ҳозир ёмон бўлади.

– Э, қизикмисан, нимага кетамиз? – деди Султон. – Қўрқма, бу маҳаллада тоғам яшайди. Ҳаммасини танийман. Ўзим гаплашаман булар билан...

Султон шундай деб кўчага чиқди. Сарвар ичкаридагилардан турган жойларининг аниқ манзилни сўраб олиб, участка инспекторига телефон қилди:

– Тез этиб келинглр, Ҳозир ёмон жанжал бўлади...

Сардор шундан сўнг Султоннинг изидан кўчага чиқди. Султон маҳалланинг кўзлари бежо йигитларига вазиятни тушунтириш билан овора эди:

– Мен билан бирга келган. Ёмон ни-

ятимиз йўқ. Туғилган кунга келганмиз. Опа билан бирга ишлаймиз...

Шавкат Султонни бир четта сурди-ю тўнгиллади:

– Ака, сиз аралашманг, обрўйингиз бориди бу ердан кетинг...

Ғазабнок йигитлар Сардорни ўртага олиб, дўппослай кетишди. Сардор бир амаллаб уларнинг қўлидан чиқиб, ўзини ичкарига урди ва дарвозани тамбалаб олди. Бу орада Шавкатнинг укаси Жасур оч деб дарвозани тепа бошлади. Эшик очилмагач, девор ошиб ичкарига кирди. Яна Сардорни дўппослай бошлади. Сабр қосасти тўлган Сардор қандай қилиб хонтахта устида турган пичокни олиб, Жасурнинг қорни ва сонига тикиб олганини сезмай қолди.

Аёллардан кимдир чинкириб юборди:

– Вой-дод, Жасурни ўлдириб қўйишди...

Бу орада ичкарида пайдо бўлган Шавкат ҳам қўлида қонга беланган пичок билан турган Сардорга ёпишиб кетди. Бироқ у ҳам қорнидан ва елкасидан жароҳат олиб, ерга қулади... Сардор қарахт ҳолда кўчага отилди-ю жуфтакни ростлади...

Боягина хуш-хандон кулгиларга тўлган хонадон бирпасда қонга бўялди.

Жиноят ишлари бўйича Қосон тумани судида Сардор Бўрневнинг жиноят иши кўрилди.

Қайд этилишича, судланувчи 1990 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз. Оилали. Илгари қилган жиноятлари учун биринчи гал амнистия шарафати билан жазодан қутулиб қолган бўлса, кейинги сафар бир неча йил ўтириб чиққан. Сўнгги марта белгиланган ахлоқ тузатиш жазосидан ҳам шартли равишда озод қилинган эди. Қосон тумани Муғжагул маҳалласида яшаган.

Ҳаёти учун хавфли жароҳат олган ака-ука, хайриятки, омон қолишди.

Суд ҳукм қилди. Сардор Бўрневга ўтталмай қолган жазо ҳам қисман қўшилган ҳолда 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Бундан ташқари, ундан жабрланувчиларга 15 миллион сўм маънавий зарар ҳам ундириладиган бўлди.

Фахриддин ЖОВЛИЕВ,
Қосон тумани прокурори

ГЕРОИН ТАЛВАСАСИ

Гиёҳвандлик ботқоғига ботган кишини ҳалокат кутади. Шу боис гиёҳвандликка қарши курашиш чоралари такомиллаштирилмоқда. Бироқ атрофидаги воқеалардан ҳамма ҳам хулоса чиқаради деб бўлмайди. Героин истеъмол қилиш оқибатида қанчадан-қанча инсонлар ёшлик чоғида ҳаётни тарк этди, қанчаси ногирон бўлиб қолди, оилалар пароканда бўлди. Аммо мўмай даромаддан бошқа нарса ҳақида ўйламайдиган нопок кимсалар бировларнинг ҳаётини заҳарлашда давом этмоқда.

Қўшқўпирлик Й.О. шундайлардан биридир. Айни куч-ғайратга тўлган бу йигит ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларини ҳалол едириб-ичириш ўрнига бирданига бойиб кетиш ҳақида ўйлай бошлади. Назарида, наркотик моддалар савдоси орқали ҳашамдор қасрда яшайдиган, энг қиммат машиналарини миниб юрадигандай эди. Й. ўз орзулари ҳақида ҳамқишлоғи Р.га гапириб берди ва сотиш учун наркотик модда топиб беришини сўради. Р.дан олган 5 грамм опийнинг бир граммини 300 минг сўмга сотди. Бир грамдан 50 минг сўм фойда қилган «тадбиркор» бир килограмм сотса қанча даромад олиши мумкинлигини ўйлаб, шошилди. Таниши Р.дан энди «бизнес»ини ривожлантиришда ёрдам сўради. Р. уни Н. исмли киши билан таништириб қўйди. Н.га қолган опийни сотиб, даромадини нималарга ишлатиш ҳақида хомчўт қилиб турганида Қ. исмли фуқаро кўнгирак қилиб, катта миқдорда наркотик модда кераклигини, хоржга олиб чиқиш нияти борлигини айтди. Бу Й. учун айни муддао эди. У Н.ни ҳамкорликка чакириб, «дори» топиб беришини сўради. Н. бир килограмм героин

40 минг, бир килограмм опий 20 минг АҚШ доллари туршини билдирди. Й. нархга ўз устамасини қўйиб, Қ. билан гаплашди. Қ. бир килограмм героин ва икки килограмм опий олишини айтди.

Й. кўрадиган фойдасини нималарга сарфлашини ўйлашга улгурмади. Наркотик моддаларни 140 минг долларга сотаётганида ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари томонидан қўлга олинди.

Суд мажлисида Й.нинг яқинлари у оиланинг ёлғиз боқувчиси эканини, икки фарзанди борлигини айтиб, энгилрок жазо тайинлашни сўрашди. Ваҳоланки, Й. ўз режасини амалга оширса, юзлаб оилалар боқувчисидан айрилиши мумкин эди. Халқимизда «Пичокни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга» деган мақол бор. Бу ўзингга раво кўрмаганингни ўзгага ҳам раво кўрма дегани. Ўзгаларнинг ҳаётини заҳарлаш эвазига бол тотишни ният қилган Й.О. суд ҳукми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Улугбек РАДЖАПОВ,
Қоразм вилояти прокуратураси бўлим прокурори



КЎКНОРИ ЕТИШТИРГАНГА ЖАРИМА

Олтиариқ тумани Кўлбўйи маҳалласида яшовчи, ахён-ахёнда кўкнори истеъмол қилиб турган Қодирнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) баҳор кунлари сўриток остида униб чиққан ёввойи кўкнори кўчатларини бутунлай юлиб ташлашга кўзи қиймайди. Атрофини бегона ўтлардан тозалалаб, чопиқ қилиб, ўғит солиб астойдил парваришлайди.

Бўйи бел баробар бўлган, ҳосили кўзга ташланиб қолганда уйига ИИБ ходимлари, туман кишлоқ ҳўжалиги бўлими мутахассиси ва яна икки киши келишди. «Қоралори-2020» тадбири ўтказилаётгани ҳақида оғохлантирган ҳолда ховлини кўздан кеиришди. Узум остидаги 56 туп кўкнори ҳосилдан намуна олинганидан сўнг таг-томири билан юлиниб, ёқиб ташланди.

Судда Қодир ховлисида кўкнори парваришлагани, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, энгиллик беришни сўради. Суд-наркология экспертизаси гоҳида наркотик моддаларни истеъмол қилиб келган судланувчи даволанишга муҳтож эмаслиги ҳақида хулоса берди. Илгари судланмаган Қ.Эшонова 5 млн. 575 минг сўм жарима солинди. Бундан хулоса чиқарса, кўкнори истеъмол қилишни бутунлай бас қилиб, ўзини гиёҳвандлик домига тушиб қолишдан, рўзгорини барака кўтарилишидан асрайди.

Жасурбек САТТОРОВ,
Олтиариқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси


ТАБИАТ ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

Бугун экология хусусида кўп гапирилмоқда. Аҳолининг экологик маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар самара бераптими? Таълим муассасаларида ёшларга ўтилаётган дарслар, оиладаги тарбия фарзандларимизни атроф-муҳитга этиборлироқ бўлишга ўргатаптими?

Албатта, бу саволлар бизда ҳали экологик маданият тўлақонли шаклланиши тасдиқлайди. Бировга тозалик, покзалликни ўргатишдан олдин ўзимиз шу нарсага қатъий риоя қилишимиз зарур. Глобал муаммолар ичида маиший чиқиндилар келтириб чиқариладиган экологик муаммолар энг муҳими ҳисобланади. Биргина елим идишининг 500 йилда чиришини ҳисобга олсак, унинг атроф-муҳитга зарарини тасаввур қилаверинг. Бу бир дона елим идиш, лекин ер юзида бу каби чиқинди турлари сонмингта. Ҳар йили дунёда чиқиндилар хажми 3 фоиз кўпаймоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни ҳимоя қилишга эътибор кучайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда «2017–2021-йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармала-



рида чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш, ташиб кетиш, қайта ишлаш, кўмиш ва йўқ қилиш бўйича назорат инспекциялари ташкил этилган.

Дунёда чиқиндиларни қайта ишланган, иккинчи маҳсулот сифатида истеъмолга киритиш тажрибаси бор. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган завод ва фабрикалар ишлаб турибди. Улар фуқаролардан чиқиндиларни қабул қилиб олади. Лекин маиший чиқиндилар турларга тўғри ажратилмаслиги натижасида уларни турларга ажратиш бироз қийин кечади. Шаҳарларда, асосан кўп қаватли бинолар ёнида чиқинди ташлаш учун махсус контейнерлар қўйилган. Масалан, пластик маҳсулотлар чиқиндиси алоҳида, қоғоз чиқиндилар алоҳида контейнерларга солиниши зарур. Лекин, афсуски, кўпчилик бу талабга риоя қилмайди.

Электрон чиқиндилар сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Булар телефон, телевизор, ноутбук ва ҳоказолар. Ҳар йили ер юзида 2 миллион тоннага яқин электрон

чиқинди пайдо бўляпти. Биргина мобил телефон 500 тадан 1000 тагача қисмлардан ташкил топган. Уларнинг кўпчилиги захарли оғир металллар – қўроғош, симоб, кадмий ва бошқа кимёвий моддаларни ўз ичига олади.

Чиқиндилар озон қатламга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, биз фойдаланадиган аэрозол идишлар (хаво тозаловчи, дезодорант ва х.) таркибида стратосферада озонни емирадиган моддалар бор. Озон қатламининг емирилиши одамларда саратон касаллигини келтириб чиқаради. Чиқиндиларни қайта ишлаш эса мазкур муаммоларни қисман ҳал этади.

Албатта, бугунги техника асрида инсоният яшаши учун ижобий омиллар ортиб бормоқда. Эҳтиёж ҳам шунга яраша. Лекин атроф-муҳитга безътибор бўлмасак, уй ва маҳаллаларимизни тоза тутсак, нур устига нур бўлар эди.

Раҳат ЖАББАРБЕРГЕНОВ,
Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурори

JINYOYAT VA JAZO

ВЕЛОСИПЕДДАН САҚЛАНИНГ...

Албатта, воқеанинг номланиши ҳаммаимизга таниш бўлган кино - «Автомобилдан сақланинг» номига ўхшаш бўлиши мумкин. Чиндан ҳам мазкур кино қаҳрамони автомобилларни олиб қочиш ва уларни сотиш билан шуғулланган бўлса, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеада фуқаро Шаҳзод Шарипов (исм-фамилияси ўзгартирилган) велосипедларни ўғирлаш ва сотиш билан машғул бўлган.

Ш.Шарипов уйланган, икки нафар фарзандли бўлса-да, тайинли бирор иш билан шуғулланмайди, бунинг устига спиртли ичимликларга ружу қўйган.

У 2020 йил 30 июнь куни эрталабдан бош оғриғига спиртли ичимлик истеъмол қилиб олди. Нафис бироз бўлса-да қонган Ш.Шарипов айлангани кўчага чиқди. Пастдарғом туманидаги «Жума» темир йўл бекати олдиндан ўтиб кетаётганда кўзи «Shimano» русумли велосипедга тушди.

Ҳозирги кунда ҳар бир инсон имкониятидан келиб чиққан ҳолда транспорт воси-

тасидан фойдаланади, кимдир ишга ўзининг шахсий автомашинасида борса, кимдир жамоат транспортда боради, Абдукарим Бахриев эса ўша куни велосипедда ишга келган эди. Велосипедни қорхона биноси олдида қолдириб, ўзи ичкарига кириб кетди.

Бу ҳолат Ш.Шариповга қўл келди. Бироз атрофни кузатиб туриб, велосипедни ҳеч кимга билдирмасдан ўғирлаб кетди. Велосипедни етаклаб тумандаги «Жума» деҳқон бозорига борди. Аслида, ўғирланган молни сотиш осон бўлмайди. Шунинг учун ҳам у ёлғон ишлатди. Ш.Шарипов деҳқон

бозорида салқин ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи Одил исмли йигитта велосипедни сотиб олишни таклиф қилди ва унга ёш боласи касал эканлигини, даволаш учун пули йўқлигини айтди. Одил унинг сўзларига ишониб, раҳми келди ва велосипедни 300 минг сўмга сотиб олди. Ш.Шарипов ови бароридан келганидан хурсанд бўлиб, пулни чўнтагига урди-да, жуфтакни ростлади.

Ш.Шариповга «велосипед операцияси» маъқул тушиб қолди, шеклиди, яна шундай жиноятга қўл урди. У 7 июль куни эрталаб яна «Жума» те-

мир йўл бекати олдига келди. Бу сафар ишчиларнинг бирига тегишли бўлган «Урал» русумли велосипедни олиб қочди. Бироқ уни ишчилардан бири тасодифан қўриб қолиб, ушлаб олди ва Самарқанд вилояти ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ходимларига топширди.

Терговга қадар текширув жараёнида Ш.Шариповнинг муқаддам содир этган қилмиши ҳам фош этилди. Суд уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топди ва унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 7 ой муддатта ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEKCANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**

**Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85**



www.huquq.uz



Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [T] – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4365.
15 089 nusxada bosildi.
Oqog'oz bichini A-3, hajmi 3 bosma tobaq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASOAROV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaniga payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonani manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Жорий йил 15-17 октябрь кунлари Россиянинг Самара шахри IX Халқаро спорт фильмлари ва телевидение фестивалига мезбонлик қилади.

15-ОКТАБР 2020-У.

HUQUQ № 41

(1238)

11

ЎЗБЕКИСТОН БААНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Вадим Абрамов бошқарувидаги Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги йиғин доирасида Дубай шаҳрида Бирлашган Араб Амирликларига қарши ўртоқлик ўйинини ўтказиб, ишончли ғалабани қўлга киритди.

Хабарингиз бор, 8 октябрь кuni Тошкентда эронликлар билан куч синашган терма жамоамиз ўз майдонида 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйган эди. Айнан шундай ҳисоб билан БАА устидан ғалаба қозонди.

Биринчи бўлимда вазиёт яратиш бўйича кичик устунлик марказий осийликлар томонида бўлганига қарамай, ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлим бошида эса Игорь Сергеев ҳимоячиларнинг хатосидан фойдаланиб, ҳисобини очди. Баҳс туташига 4 дақиқа қолганида эса терма жамоамизнинг комбинациясини Игорь ажойиб зарба билан голга айлантирди. «Пахтакор» клуби футболчисининг 18 метрлардан чап оёқда йўллаган зарбасини мезбонлар посбони Халид Исса қайтара олмади.

Орадан 2 дақиқа ўтиб футболчиларимиз яна бир яхши комбинация ташкил этишди. Отабек Шукуров томонидан йўлланган кучли зарбани Амирлик дарвозабони ажойиб сэйв билан қайтарди.

Иккинчи бўлимга қўшиб берилган дақиқаларда эса ҳакам дарвозамиз томон пенальти белгилади. Себастьян Тальябуэ 11 метрли жарима зарбасидан фойдаланиб, ҳисобдаги фарқни биттага қисқартирди. Шу тариқа, Ўзбекистон терма жамоаси БААга қарши ўртоқлик ўйинида ғалаба қозонди.



Ўртоқлик ўйини

БАА - Ўзбекистон - 1:2 (0:1)

Голлар: Себастьян Тальябуэ (90+2-пенальти) — Игорь Сергеев (47, 86)

Мақсуд ўйинида дубль кайд этган Игорь Сергеев Ўзбекистон терма жамоаси тўпурарлари рўйхатида Улугбек Бақоев (14) ва Жаббар Ирисметовни (15) ортада қолдирган ҳолда 7-ўринга кўтарилди.

Эслатиб ўтамиз, терма жамоа тарихидаги энг яхши тўпурар Максим Шацких бўлиб, унинг ҳисобида 34 та гол бор. Айни дамда фаолиятини давом эттираётган футболчилардан фақат Элдор Шомуродов (21) ва Одил Аҳмедов (20) Игордан кўпроқ гол уришга эришган.

ЕЧЛ ҒОЛИБИ ҚАНЧА МУКОФОТ ОЛАДИ?


УЕФА Европа чемпионлар лигасининг жорий мавсум учун клубларга ажратиладиган мукофот пуллари миқдорини эълон қилди.

Хусусан, гуруҳ босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган 32 та клубнинг ҳар бири камида 15,25 млн. евро ни қўлга киритади.

Шунингдек, жамоалар гуруҳ босқичидаги иштирокига қараб алоҳида мукофот пуллари олишади: ҳар бир ғалаба учун — 2,7 миллион евро, ҳар бир дуранг учун — 900 минг евро.

Гуруҳдан плей-офф босқичига чиққан клублар қуйидагича мукофот пулларига умид қилишлари мумкин:

нимчорак финал босқичига чиққани учун — 9,5 млн. евро;
чорак финал босқичига чиққани учун — 10,5 млн. евро;
ярим финал босқичига чиққани учун — 12 млн. евро;
финалга чиққани учун — 15 млн. евро.



НАДАЛЬ 13 КАРРА ҒОЛИБЛИКНИ ҚўЛГА КИРИТДИ

Испаниялик теннисчи Рафаэль Надаль Франция очик чемпионати — Roland Garros-2020 финалида ғалаба қозонди ва "Катта дубулга" сериясига кирувчи мусобақанинг 13 карра ғолибига айланди.

Надаль мусобақанинг ҳал қилувчи учрашувида жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси, сербиялик Новак Жокочични 6:0, 6:2, 7:5 ҳисобида мағлуб этди.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, Надаль ва Жокочич Париждаги мусобақа финалида учинчи марта учрашишди, бироқ ҳар сафар испаниялик теннисчининг қўли баланд келган. Испаниялик теннисчи бежиз "тупроқли кортлар киролли" деб аталмайди. Унчага Парижнинг тупроқли кортларида ўтувчи турнирда бунча кўп марта хали ҳеч бир теннисчи ютмаган. У бунгача Roland Garros'да 2005, 2006,

2007, 2008, 2010, 2011, 2012, 2013, 2014, 2017, 2018 ва 2019 йилларда ғалаба қозонган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Надальнинг финалдаги ғалабаси унинг Франция очик чемпионати учрашувларидаги 100-ғалабаси бўлди. Бундан ташқари, испаниялик спортчи "Катта дубулга" сериясига кирувчи 20-мусобақасида ғалаба қозонди ва бу натижа билан швейцариялик теннисчи Рожер Федерер рекордини такрорлади.

Аёллр ўртасида эса 19 ёшли польшалик Ига Швентек зафар кучди. Бу ғалаба ёш теннисчининг ушбу мусобақадаги биринчи ғалабаси ҳисобланади. Швентек финал учрашувида америкалик София Кеннини мағлубиятга учрата олган.

Roland Garros 2020 йилги "Катта дубулга" мусобақаларига яқун ясади. Жорий йилда ушбу серияга кирувчи Уимблдон турнири пандемия сабабли ўтказилмади.

САДОҚАТ УЧУН 8 МЛН. ФУНТ

«Арсенал» клуби ярим ҳимоячиси Месут Ўзил жорий йилнинг сентябрь ойи якунларида клубдан совға қабул қилиб олди.

«The Athletic» хабарига кўра, клуб унга садоқати учун 8 млн. фунт тўлаб берган. Бу унинг 2018 йили тузилган шартномасида кўрсатилган эди.

31 ёшли футболчи «Арсенал»да ҳафтасига 350 минг фунт маош олади ва у жамоада энг кўп маош олувчи ҳисобланади.

Ушбу мавсумда Ўзил АПЛнинг бирорта ўйинида майдонга тушмади ва ундан ташқари, Европа лигаси қайномасига ҳам киритилмади.

Олдинроқ «Арсенал» клуби Ўзил билан шартномани бекор қилишга тайёрланаётгани борасида маълумотлар тарқалганди.



КАНТЕ КЕТМОҚЧИ, БУНГА САБАБ ТЎЙ

Лондоннинг «Челси» клуби ярим ҳимоячиси Нголо Канте жамоа бош мураббийи Фрэнк Лэмпарддан бир кунга дам олиш кuni сўраган. Сабаби, Канте дўстининг тўйида иштирок этмоқчи бўлган.

Le Parisien журналининг ёзишига қараганда, Лэмпард футболчининг талабини қондирмади ва рад жавоб берди. Бунга асосий сабаб — футболчининг коронавирус инфекциясини юктириб олмаслик эди.

Канте мураббийдан хафа бўлди, чунки у ҳеч қачон клуб ички интизомини бузмаган ва дам олиш кuni сўрамаган. Канте аввалроқ клубдан кетиш ҳақида ўйлаётганди. Энди бўлса у ўз қарорига шубҳа қилмайди. Кантега номзодлар жуда кўп, улардан асосийлари — «Реал» ва «Интер» клубларидир.

АЗАР СОТИЛАДИ(МИ)?

Мадриднинг «Реал» клуби катта умидлар билан харид қилинган ярим ҳимоячи Эден Азар билан хайрлашишга тайёр. Бу ҳақда Don Balon нашри ёзмоқда.

«Қироллик клуби» Азарнинг сотилишидан катта миқдорда пул йўқотади. Сабаби жароҳатлардан ортмай қолган Азарнинг трансфер нархи бир йил ичида 100 млн. евродан 55 млн. еврога тушиб кетди.

Эслатиб ўтамиз, ўтган мавсум Азар 22 та ўйинида майдонга тушиб, 1 та гол урган ҳамда 7 та голга ассистентлик қилган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди